



MILLIY TIKLANISH

nomidagi O'zbekiston MK
VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

14 (1012) 2019 йил 7 апрель, яшанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING HALQARO BAXSHICHIK SAN'ATI FESTIVALI OCHILISHIGA BAFIШLANGAN TANTANALI MAROSIMDAGI HUTQI

Мухтарам фестивал иштирокчилари!

Қадрли дўстлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Авалло, сиз, азизлар билан жонажон Ўзбекистонимизда, гузал Сурхондарё заминида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборакбод этаман.

Юртимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашмоқда. Уларнинг орасида атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати номандалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари борлиги бизга катта мамнунияти етказди.

Бугунги фестивалимизда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимиз: ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани бошқармаси бошлиғи Андрей Шевелевага, Ислом ҳамкорлик ташки-

лотининг тузилмаси — АЙСЕСКОнинг Маданият бўйича директори Рихати Салиҳа, Жаҳон ҳунармандлар кенгаши Осиё ва Тинч океани минтақаси раҳбари Гада Рида Хижжавига, Қирғиз Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Раевага, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Мухаметўлига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазирининг ўринбосари Курбанмурат Мирадалиевага, Афғонистон Ислом Республикасининг Балх вилояти ҳоқими Муҳаммад Исоҳ Рахгузар ва бошқа хорижий дўстларимизга чуқур ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, мухтарам меҳмонларимизни биз халқимиз ва маданиятимизнинг яқин дўстлари сифатида қабул қиламиз. Бутун эл-юртимиз номидан барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирамиз.

2-бет

Термиз шаҳрида 6 апрель кунини Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

ДУНЁ БАХШИЛАРИ НАВОЛАРИ АМУДАРЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА



Жаҳон тамаддуни бешикларида бири бўлган қадимий Термиз миллий руҳда байрамога безатилган. Нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда илк марта ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига пухта ҳозирлик кўрилгани Ўзбекистоннинг жанубдаги гавҳари бўлган қадимий ва навқирон ушбу шаҳарга ўзгача шуқуҳ ва тароват бағишлаган.

Сўлим боғ-роғлар, хиёбонлар, кўча ва майдонларда қадимда шаклланиб, асрлар давомида сайқал топган миллий

қадрият ва урф-одатларимиз, бахшиларимиз сиймолари акс этган паннолар ўрнатилган. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган меҳмонлар юзидаги қувонч ва самимий муносабат Сурхондарё воҳасида миллий ўзлимизни кенг намоеън этадиган, дунё халқларини қадим қадриятларни улуғлашга чорлайдиган, ягона мақсад, ягона маслак сари бирлаштирадиган улуг байрам бошланаётганидан дарак беради.

Асрлар давомида ҳаётнинг турли синовларидан ўтган бу қадимий юртининг юксалиш йўлларига гувоҳ бўлиб келаётган Амударё бўйига оқшом чўқади. Муҳташам Санъат саройи ҳудудидаги 32 гектарлик майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг ўтмишдаги турмуш тарзи ҳамда бугунги обод ва фаровон ҳаёти ўз ифодасини топган этнографик шаҳарча барпо этилган.

2-бет

Президент ташаббуси — амалда

КИТОБ — ЭНГ ҚАДРЛИ ТУХФА

Инсоннинг билим доираси такомиллашиши, дунёни англаши, шахс сифатида камол топишида китобнинг ўрни беқиёс. Китоб — фикрлаш қуроли, тафаккур манбаи, бебаҳо маънавий хазина. Шу боис халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас санаб келган.

Шу йилнинг 19 март кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳар бир раҳбар ўзи ўқиган мактабга шахсий кутубхонасидан китоблар совға қилиш каби яхши ташаббус китобхонликни ривожлантириши, фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаган эди.

Ушбу эзгу ташаббусни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари ва депутатлари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Чунки маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашиш камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат, эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан бирidir.

4-бет

Тарихий хотирасиз — келажак йўқ

САРМИШСОЙ ДАРАСИ — БЕТАКРОР ВА НОЁБ МАДАНИЙ БОЙЛИГИМИЗ

УНИ АСЛ ҲОЛИЧА САҚЛАШ ВА ЭКОТУРИЗМ
МАСКАНИГА АЙЛАНТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИНИ КўРИШ ФУРСАТИ КЕЛДИ

Маълумки, халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини теран ўрганиш, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, дунё жамоатчилигини ўзбек маданияти, маданий меросининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш, бебаҳо тарихий обидаларимиз, қадимжоларимизни кенг миқёсда тарғиб этиб, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини янада ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида юртимизга келаётган сайёҳлар оқими кун сайин ортиб бормоқда.

6-бет

Президент таширифидан сўнг...

БУХОРОДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАРДА ЎЗМТДП ФАОЛЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида белгиланган устувор вазифалар ижросига бағишланган очиқ мулоқот ташиқи этилди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, барча даражадаги партия ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармалари ходимлари иштирок этди.

Очиқ мулоқотни партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов бошқарди.

— Давлатимиз раҳбарининг Бухорога ташрифи чоғида вилоятда эришилган натижалар, мавжуд камчиликлар ва ҳудуд истиқболига алоҳида эътибор қаратилди, — деди партия етакчиси. — Бухоро ҳам инвестициявий, ҳам иқтисодий салоҳияти юқори вилоятлардан ҳисобланади. Айниқса, мамлакат туризми ривожига муҳим ўрин тутди. Ўтган 2018 йилда Бухорога ташриф буюрган сайёҳлар сони уч ярим баробарга ортган. Бу сайёҳлар оқими нафақат ички туризм, балки ташқи туризм йўналишида ҳам ортиб бораётганини аниқлади. Президентимиз авиакатновлар сонини ошириш, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари билан автобус ва поездлар қатновини кўпайтириш орқали Бухорони "саёҳатлар чорраҳаси"га айлантириш лозимлигини таъкидлади. 2021 йилгача хорижий сайёҳлар сонини 2 баробар кўпайтириш, туризм хизматлари тушумини 350 миллион

долларга етказиш режалаштирилди. Шунингдек, "Бухоро тарихи" музейини қуриш, кўнгличар масканлар, ҳунармандлар марказлари ва Бухоронинг эски шаҳар қисмида туристлар пиёда сайр қиладиган йўналишлар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди. Бухоро шаҳрида янгидан қуриладиган Бухоро тарихи ва маданияти музейини ташқи кўриниши ва архитектуравий ечимини ишлаб чиқишда вилоятнинг ўзига хос тарихи ва маданияти акс этишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Ушбу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этиши лозим. Бунинг учун олдимизда турган чора-тадбирларни белгилаб олиб, шу асосда иш олиб боришимиз зарур.

4-бет

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

АМИР ТЕМУР — БУЮК ШАҲС

Қизиқ ҳолат: кучли нур манбаига (майли, уни Кўёш деб атамайлик) тик қараб бўлмаганидан уни таърифлаш лозим бўлса, ҳар ким ҳолатидан келиб чиқиб фикр юритади. Бирое ҳаётни таъминлаб турган ёруғлик сифатида эътироф этади, ўзгаси эса бутунлай рад қилади. Тақдир Соҳибқирон Амир Темурга ана шундай қисматни раво кўрганга ўхшайди. Бу зоти шариф атрофида мунозаралар тинмайди, муносабатлар турли қутбларда намоеъ бўлаверади. Дунёнинг қайсидир телеканаллари ҳамон ўзларига эътибор тортмоқчи бўлиб турган шу кунларда ҳам маълум ҳақиқатларни эслаб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Зеро, Амир Темур шахсини улуғлаш ватанпарварлик бурчимиздир.

Маълумки, XIII аср бошларида рўй берган мўғул истилоси туфайли ислом динининг жорий этилиши билан қарийб тўрт аср давомида тезланиш олган та-

раққиёт ер билан яқсон қилинди. Шаҳарлар ўрнида кул тепалар, қишлоқлар ўрнида қабристонлар пайдо бўлди.

5-бет



Хиёбон

"ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИ ИЛМ ВА МАЪРИФАТДАДИР"

Инсоният тарихига назар ташласак, барча давр ва ҳудудларда тараққиётнинг асосида илм ва маърифат ётганлигини, инқирозу заволнинг негизида лоқайдлик, саводсизлик турганини кўраемиз. Илми ва маърифатли инсонгина маънавиятли, имони бут, ахлоқли ва, албатта, элпарвар, ватанпарвар бўлади. Бу оддий ҳақиқатни, тарихнинг аччиқ сабоғини жамиятнинг ҳар бир аъзоси чуқур англагандагина маърифатли фуқаролик жамияти барпо этилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори Барно Абдуллаева билан "Хиёбон"да долзарб мавзу — педагогика соҳасини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари, таълим ва тараққиёт, бугунги глобаллашув жараёнида илм-фаннинг илгор ютуқларини ўзлаштириш, хорижий университетларнинг таълим услуби ва илгор педагогик технологияларини юртимиздаги олий таълим муассасаларига жорий қилиш, ёшлар таълим-тарбиясида бурчга садоқат, олимлик йўлининг машаққати-ю гашти сингари мавзуларда суҳбатлашдик.

8-бет



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обува давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" —

мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158



АМИР ТЕМУР — БУЮК ШАХС



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ҷаҳоннинг тарихида муҳрлаган Истахрий, Натанзий, Махмуд ибн Вали ва бошқа муаррихларнинг қайд этишича, вайронларни тиклаб, яна гуллаган ҳаёт тарзини таъминлаш учун камида минг йиллар керак бўларди. Ҳатто мислсиз қўруқликларнинг даҳшатидан ларзага тушган олимлар "бу воқеаларни кўргунча кўр бўлсам ёки олдинроқ ўлиб кетсам бўлмасми?" дея надомат чекканлар. Аҳвол ҳақиқатан фожеали бўлган. Ахир, кейинчалик Самарқанд шаҳрини тиклашга киришганлариди ҳам вайронлардан ерни тозалаш имкони бўлмади ва бошқа жойда — қадимги ўрнидан гарброкда янги шаҳар бунёд этилди. Маърифати билан дунёни мафтун этган Бухоро шаҳри шунчалар кунпаякун қилингандаки, шаҳарда қарийб ўн йил бирор тирик жонзотнинг яшашига имкон қолмаганди. 1330 йил Самарқандга ташриф буюрган Махшур сайёх Ибн Баттута ҳам Кози ва ипак матоларининг шухрати оламни тутган шаҳарнинг бутунлай йўқ бўлиб кетганидан ёқа ушлаган, унинг ўрнида лойсувоқ уйларни кўриб, ўзи тасаввур қилган обод масканнинг ерга киргани ёки осмонга чиқиб кетгани сирини топа олмаганди...

Хуллас, Амир Темур тарихий майдонга чиққанда аҳвол ана шундай эди. Эзилган, хўрланган халқнинг кайфияти, кейинги босқинларнинг жараҳатини эслатмай қўяверайлик — аҳвол шусиз ҳам маълум. Ер юзининг жаннатидан бир гўшаси вайрона ва харобага айланган, таъбир жоиз бўлса, у жароҳатлардан инграб, Яратгандан бир халоскорни кутиб яшарди.

Воқеалар тарихи ғалвирида сараланди, замон чархи айланиб, Темурбек — Амир Темур катта саҳнага чиқди. Унинг зиммасида оламшумул вазифа турарди — толей унга шундай қисматни насиб этган эдики, ё бу бўҳрондан зафар билан чиқади ва миллатнинг қуёшига айланади, ё тўфонлар гирдобиди боши айланиб, маҳв бўлади, номи олдинги салафлари қаторида шунчаки эсланадиган соя бўлиб қолади. Тақдирга шукроналар бўлсинки, у халоскорга айланди...

Соҳибқирон Амир Темур Турон давлатини бошқарган 35 йиллик ҳукмдорлик фаолиятида кўплаб оламшумул ишларни амалга оширдики, тарихда уларнинг атиги биттасини маромига етказган кўплаб зотларни ўз миллати ифтихори билан эслайди. Ҳатто битта работ ёки кўприк қурганлар ҳам миннатдор авлодлари хотирасида яшаб қолган. Энди инсоният тарихида 500 йилдан ортиқ олғи рутбада бўлган сулолага асос элиган буюк Шахснинг келбатини кўз олдингизга келтиринг. Бундай Инсон одамзот оламида нодир ҳодиса.

Самарқанд пойтахт қилиб танланган ва Амир Темур жиловни қўлга олган, биринчи юмуш босқинчилар ҳужумидан вайрон бўлган қалъа деворини тиклаш бўлган. Бу

вазифани уddалашда сўрват ва тadbиркорлик, тинчликдан сарафроз бўлган одамларнинг ғайрати, ҳашар, осойишталик шукуҳи бахш этган кўтаринкиликни хаёлан тасаввур қилиш мумкин. Зиммада эса бундан ҳам муҳим ташвишлар бор эди. Икки дарё оралигидан тортиб, Африка қуруқлигига чўзилган худудда сарбадорлар, элхонийлар, музаффарийлар, курдлар, Жўчи улуси, Дашти Қипчоқ чингизийлар ва бошқа давлат ҳамда сулолага мансуб одамлар қайнаган қозондек жунбушга келиб, бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ётарди. Мовароуннаҳр ўнга яқин бекикларга бўлиниб кетган, қондошлар бир-бирига душмандан баттар муросасиз эди. Урушлардан раиятнинг силласи қуриган, қон тўкиб, кутурган зўравонлар эса ҳар қандай андишани унутганди. Тинчлик сув ва ҳаводек зарур эди. Буни чуқур ҳис этган ёш ҳукмдор чегараларни мустаҳкамлаш, бебошларни жиловлаш учун юришлар қилди. Дастлабки ўн йилликда Темурбек отда босиб ўтган йўллар ҳисоб-китоб қилинса, ҳар қандай рекорддан ҳам ўзиб кетса керак.

Кейинчалик ҳам Соҳибқирон сиёсатининг бош йўналиши — тинчлик-омонлик, фуқаролар осойишталигига қаратилди. Кези келса бешафқат, ўз ўрнида сулҳпарвар юришлар оқибатида бутун салтанатда тартиб, адолат ўрнатилди. Ҷаҳоннинг тарихчиси "Еш бола бошига бир табақ олун била салтанатнинг у четидан бу четига юриб ўтса, унга қўл теккиздиган бирор одам бўлмас", деб бекорга ҳаяжон билан қайд этмаган эди.

Қолаверса, фаолияти тор миқёслардан чиқиб, сайёравий кўлам касб этган Соҳибқирон ўз даврининг "Тинчлик кафолати" сифатида тан олинди. Ҷазо можаролар жонига теккан Ироқ, Шом, Миср, Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ ва бошқа мамлакатлардан элчилар келиб, унинг кўмагига кўз тикдилар. Шу мурожаатлар боис, уч, беш, етти йилга чўзилган юришлар ташкил қилинди, оқибатда, мамлакатлар осойишталиги, қарвон йўлларининг хавфсизлиги таъминланди. Айниқса, миллионлаб нуфуснинг мафқурасига айланган муқаддас ислом дини арконларида ниш бераётган турли ноқисликларга вақтида зарба берилди, динимизнинг поклиги учун чинакам жидду жаҳд кўрсатилди. Уламолар анжуманлари чақирилиб (масалан, Бойлақонда), ҳал қилиниши лозим бўлган диний муаммолар борасида машваратлар ташкил этилди.

Энг мукамал лойиҳалар асосида қурилган мадрасаларда замонасининг алломалари ёш илму толибларга дарс ўқитар, уларга фақат диний эмас, дунёвий билимлар ҳам бериларди. Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маданият, санъат гуллаб яшнади. Илмда эришилган ютуқларнинг чўққиси Мирзо Улуғбек бўлса, адабиёт-санъатдаги ёруғ юлдуз — Алишер Навоийдир. Бу икки буюк зотнинг оламшумул шухрати таъриф-тавафларсиз ҳам

маълум. Сирасини айтганда, мабодо, тараққиётнинг изчил тадрижи таъминланмаганида, бундай буюк қолаверар эди. На осмон илми кашф этилиб, планеталараро учиб аппаратларига йўл очилган, на сўз сеҳри мислсиз мўъжизалар яратган бўларди. Ҷаҳоннинг бундай эркинлик ва маънавий ўрғинлиги Шайх Муҳаммад Ҳасан Шаншерианинг айтишича, Амир Темур ҳазратларининг ўзлари кўтариб қўйгани ҳам айни ҳақиқат.

Булардан ташқари, давлатчилик тамойилларининг яратилиши ва мустаҳкамлини, ҳарбий соҳадаги ислоҳот ва натижалар катта-катта китобларга мавзу бўлади. Китоблар ҳақида эса бобомизнинг баҳоси мана бундоқ эди: "Эзилган битиклар қурилган иморатлардан ҳам узоқ яшайди". Ҷаҳоннинг таъминоти ҳам китоблар орқали бизга етиб келгани рост.

Шукуҳли кунларда қарор топган байналмилал сиёсат ҳар қанча таъсирчан бўлиши, Соҳибқирон бобомиз ҳам, авлодлари ҳам табиатан байналмилал зотлар бўлган. Зеро, бу фазилат қалбнинг буюклиги, юксак инсонийлик ва ўз кучига ишончининг аломатидир. Бирор соҳада одамлар миллатига ёки динига кўра фарқланмаган, аксинча, дастурхон атрофида, зиефат давраларида турли миллат, этник топқул мансуб одамлар елкама-елка ўтирса, бу ҳол анжуманни безаган, дастурхонда сархил таомлар бўлишидан ташқари гап мавзуи ҳам бутун борлик, даҳри дун атрофида айланган. Бундай рагонлик фақат давраларни эмас, дилларни, маданиятларни ҳам беэатган. Бундай ялакатлик турмушнинг барча жабҳасида ба



равар жорий қилинган. Ташвишлар ҳам, қувончлар ҳам ўртада бўлган. Эҳтимол, Соҳибқирон асослаган давлатнинг пойдоғлиги, кучи, яшовчанлиги ҳам шундадир.

Салтанат яшовчанлигини таъминлашда унинг маънавий асосларининг нақадар инсонийлиги ҳам катта аҳамият касб этиши асло муволажа эмас. Зеро, моддий олам ўткинчи — бинолар қулайди, йўллар беркилади, одамлар ёруғ оламни тарқ этади. Рух эса боқийдир, у авлоддан авлодга ўтиб, тирикликнинг мангулигини таъминлайди. Амир Темур давлатининг маънавий асослари ҳақида мулоҳаза қилганда, бу даражага эришиш неча йиллар оша (бугун) ҳам қийин бўлаётгани, руҳий юксакликка, аввало, моддий эҳтиёжлар тўла қондирилганидан сўнг эришилажага ишонч билдирамади. Агар "одамлар қўшиқчи ҳам қорни билан тинглайди" деган ақидани эсласан, оч-юпун кишилар энг олижаноб ёларини ҳам қабул қилиши қийин кечиши, бу борадаги гап-сузлар қуруқ сафсата бўлиб қолавериши аёнлашади. Ана шундай юксакликка кўтарилишининг калитини ҳам боболаримиз топган эди: XIV-XV асрдаёқ бизнинг шарафли аждодларимиз салтанатда адолат тантанасига эришган — бу дара

жани тасдиқлайдиган кўплаб мисоллар бор. Қолаверса, буюк шахс фаолиятининг асосий мазмуни икки сўзда мужассамлашган эди: "Куч — адолатда!". Ҳақиқат қаршисида ҳамма бир хил жавоб берган. Қонун устуворлиги таъминланган. Негаки, бу тизимнинг асосчиси аллақачон "Қонун устувор бўлгандагина эркинлик таъминланиши"ни англаб, бу қондан амалиётга жорий этганди. Эркинлик — ҳукмдорларнинг обрўси, раиятнинг эса ҳузур-ҳаловатда яшашининг кафолати бўлган.

Раият (аҳолининг солиқ тўловчи қисми, умуман, халқ) манфаатини муҳофаза қилиш давлатнинг асосий вазифаси қилиб белгилангани бор гап. "Мазлумларни золимлар зулмидан муҳофаза" қилиш Соҳибқироннинг нафақат ҳукмдорлик, балки инсоний эътиқоди ҳам бўлган ва кейинги авлод бу фазилатни бобонинг васияти, отамерос ақиди сифатида қабул қилган. Ҳатто бугунги истилоҳлар билан айтганда, давлатнинг асосий таянчи (манбаи) бўлган халқни бошқарув юмушларига кенгроқ жалб қилиш мақсадида уларнинг эркин фикр юриштилари, ўз муносабатларини тортинмай ва чўчимай баён этишлари учун шароитлар кафолатланган. Аввало, ҳар бир фуқаронинг шахсий нуқтаи назари бўлиши муҳим эди ва Соҳибқирон буни қадрлаган, фойдали фикр айтган, маслаҳат берган кишини етарлича сийлаган. Ибн Арабшоҳ ёзади: "У (Амир Темур) (муҳим қарорлар қабул қилишдан олдин) ўз давлати арконларини, мамлакатни асосларини, ўз мулоҳаза ва машварат эгаси бўлган кишила-

лар хирмонини элақдан ўтказиб, кашфиёт сифатида тақдим этди. Бу далиллар Соҳибқирон шахсиятининг беназирлигини яна бир бора тасдиқлайди. Инсониятнинг ҳамон кизиқиши сўнмаётгани ҳам ўша айёмларда қўлга киритилган оламшумул ютуқлар сирининг ҳозиргача тўла очилмаганидир.

Салтанатнинг маънавий устунлари ҳақида гап кетганда, илм-урфону гуллаб яшнаганини, маърифат барча қалблар, йўллар ва манзилларни ёритиб турганини фахр билан таъкидлаш ўринли. Эҳтимол, инсоният тарихида темурийлар давридек маърифат улугланган, барча масалада маърифий ёндашув қарор топган бошқа тузумни учратиб бўлмас. Агар битта буюк олим ёки шоирнинг етишиб чиқиши учун минглаб илм-фан, санъат-маданият аҳли елкасини тутши (муҳит атмосфера) ҳосил қилиши лозимлигини эсласан, Мирзо Улуғбек ёки Алишер Навоийнинг кўли чикиши учун минглаб юлдузлар, саноқсиз сомон йўллари уларнинг атрофида нур сочиб турганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Маърифатга фидоилик бобокалонимиз гирати-тийнатида бор эди ва бу фазилат авлодларида яна ҳам чарақлаб, барқ урди. Алоҳида таъкидламоқ ўринлики, юришлар давомида қўлга киритилган хазиналар ичида энг қимматлиси китоблар бўлган. Китобларни ўз оғирлигига тенг тилла баҳосида сотиб олингани, рақиблар китоб тўтиб пешвоз чиқса, улар авф этилгани, кутубхоналарни ҳимоя қилиб жанг қилганлар мукофотлангани ҳақида кўплаб далиллар қайд қилинган.

Ҳатто бирор қишлоқ ёки қасабада илми киши бўлса (бундай кишиларнинг ҳисоби Соҳибқиронда бўлган, бу муволажа эмас), ўша жойга шикаст етказилмагани, аксинча, бирор эътиборли шахс хурмати учун аҳолисига улуг тарқатилгани (масалан, Табриз яқинидаги Шабистар қишлоғида тўрт мингга яқин аҳолига 5 мисқолдан олтин улашилган) ҳолатлари ҳам кўп бўлган. Китобларнинг заха тегмай етиб келиши таъминланган, уни энг ишончли сарбозлар қўриқлаб борган (муаррихлар китобларни Самарқандга жўнатиш учун тайёрланган чарм хуржунларнинг таърифини роса келтирганлар). Худди шундай муносабатга мос равишда илм-фан, маданият-адабиёт аҳли эъзоз топган. Алишер Навоий хоразмлик бир шоирнинг газали маъқул тушганидан кейин уни Султон Ҳусайн пойтахт Ҳиротга кўчириб келтиргани, ижодига ғамхўрлик кўрсатилгани далилини келтириб ўтади. "Зар қадрини зарғар билади" деганларидек, ҳукмдорларнинг ҳаммаси яхши таҳсил олган, аксарияти шоир, хаттот ёки олим бўлган, девон тузган, хатто катта шеърини эътироф этилган эди-да (масалан, "Таашхуқнома" муаллифи Сайди Аҳмад сингар).

Барча юмушларда Соҳибқирон Амир Темур ҳалол бўлгани, бу борада ҳатто фарзандларини ҳам аягани ҳақида китобларда ёзилган. Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида Султон Ҳусайннинг ҳалоллик талабига жавобан қари кампир олдида бошини кундага қўйганини қайд этган. Ҳалоллик — беш аср ҳаракатда бўлган давлатнинг энг муҳташам маънавий устунларидан бўлган.

Умуман, бобокалонимиз ва авлодларининг инсониятга қолдирган маънавий мероси ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Аввало, ютуқларнинг бош омили — (бутун фаолиятда) маънавият улугланган ва шу асосга таянган. "Фикрини ўзгартирмасдан ўзини ўзгартариб бўлмайди, одамни ўзгартирмасдан


оламни ўзгартариш мумкин эмас". "Тузуқлар"нинг "Иккинчи китоб"и айнан салтанатни бошқаришнинг маънавий асосларига бағишланган. Соҳибқирон томонидан яратилган ва амалиётга жорий этилган тамойиллар отанинг ўғилга насихатидек самимий оҳангда ифодаланган экан, кўз олдимизда буюк саркарда, давлат арбоби, илм-фан, маданият-санъат ҳомийси гавдаланади. Ҳаётнинг минг бир чигиринидан ўтиб, тўпланган тажриба ифодаси (баёни) эртага мўл ҳосил бериши кутилган боддек шовуллаб туради. Салтанат мартабасига эришишда қўлланилган ўн икки тузук, салтанат обрў-мартабасини сақлашнинг тўрт талаби, салтанатни мустаҳкамлашда таянчилган ўн икки тоифа, салтанатни тасарруфда сақлаш учун амал қилиниши шарт бўлган ўн икки жангда темир совут ёки кескир қилич қанчалик муҳим бўлса, шундай асқротгани сир эмас ("Темур тузуқлари" хос китоб ҳисобланган, сулола ҳукмдорлари учун махсус кўчирилиб, махфий фойдаланилган).

Айниқса, раият ва бароият (ҳукмдорларнинг ижтимоий мавқеи, феъл-атвори ва салоҳияти ҳисобга олиниб, ўн икки тоифага бўлингани, эҳтимол, дунё давлатчилиги тарихида ўзига хос янгилик (новаторлик) бўлганди. Бу ўн икки тоифани Соҳибқирон "салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим қорхонасининг ўн икки устуни деб ҳисобладим" дейди.

Холисона олиб қаралса, ҳар соҳа кишининг ўз табиати, касбий қиёфаси бўлади, демак, барчага-бир хил муомала қилиш маъносизлик, балки "бир гаврон билан сурувни у ён-ён ҳайдаган чўпон" (Алишер Навоий) юмушидир. Қуръони қаримда ҳам одамларнинг бир-биридан фарқ қилувчи тоифалар ҳолида яратилгани таъкидланади, бир тоифа бошқа тоифа устидан ҳукмрон қилиб қўйилиши жоиз ҳисобланади. Шундай муҳим, айни пайтда нозик ҳолни идрок этган бобокалонимиз давлатни бошқаришда ҳар бир қатламга хос сиёсат ҳам яратгани шубҳасиз. Демак, тасниф асосида ҳар бир тоифага мансуб фуқаронинг ижтимоий мавқеи, уларга давлатнинг муносабати (муомаласи), фаолиятини ривожлантиришнинг тизими белгилаб қўйилган бўлади. Шунга кўра, бу ҳолни давлат мафқурасининг асоси, деб баҳолаша бўлади. Уни (балки биринчи марта) Соҳибқирон Амир Темур давлат бошқарувида истифода этган. Шундай зарғарона муносабат туфайли давлат механизми ўта аниқлиқда ишлаган, ҳеч ким ва ҳеч нарса эътибордан четда қолмаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Олтин силсилага тизилган бу қондалар оламни бузилишлар, вайронгарчиликлардан сақлаб туришга даъват этувчи йўл-йўриқлар бўлгани шубҳасиз. Қўп машойихларнинг таъбири билан айтганда, "доимо бузилишга маҳқум, вайрона қолба" ҳисобланувчи дунёнинг боқийлигини таъминлаш, унинг шикастланган томини таъмирлаш учун тақдир инсониятга бунёдкор шахсларни ато этиб турар экан. Турон заминнинг халоскори, темурийлар (Ҳиндистонда бобурийлар) давлатининг асосчиси, дунё цивилизациясининг энг буюк меъморларидан бири Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ана шундай порлоқ толей эгаси бўлган.

Ҳаким САТТОРИЙ, журналист



САРМИШСОЙ ДАРАСИ — БЕТАКРОР ВА НОЁБ МАДАНИЙ БОЙЛИГИМИЗ

уни асл ҳолича сақлаш ва экотуризм масканига айлантириш чора-тадбирларини кўриш фурсати келди



«Давоми. Бошланиши 1-бетда.»

Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари жойлардаги маданият, санъат муассасалари, театрлар, музейлар, маданият ва дам олиш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти, даромадлари базасини туризм хизматлари орқали кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, туризмнинг барча турини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Навоий вилоятининг қадимий масканларидан бири бўлган Сармишсой дараси Навоий шаҳридан 38–40 километр шимоли-шарқда Навбаҳор тумани ҳудудида жойлашган. Шарқдан Хатирчи, шимолдан Нурота ва Конимех, ғарбдан эса Қизилтепа тумани билан чегарадош. Қоратоннинг жанубий ён бағридан ўрин олган. Сармишсой дарасига илк бор қадам

қўйган киши олис ўтмиш, ажодларимизнинг ёрқин излари — қоятош битикларини кўриб чексиз ҳайрат оғушида қолади. Буни Сармишсойда бўлган ҳар бир инсон ҳис қилиши табиий.

Қадимда бу даранинг одамлар билан гавжум, айниқса, ҳаёт қизгин бўлганлигига қоятошдаги минглаб тасвирлар гувоҳлик беради. Ҳар бир тасвирнинг нақадар нафис ва ҳайратомуз ишланганлигидан инсон ақлу заковати шошади. Гажақдор шохли архар, тоғ эчкилари, ёввойи буқалару тўнғизлар суратидан тортиб, камонли овчилар ҳамда ов жараёни тасвирини томоша қилиб, етти минг йил аввалги мозий кўз олдимизда гавдаланади. Турли ҳайвонлар галасининг дупури-ю, овчиларнинг қийқириғи кулоққа чалингандай сергак тортади киши. Ажодларимизнинг шу қадр нафислик ва моҳирлик билан мангуга муҳрланган санъат асарлари тошларга жон киритгандек...

Ушбу тасвирлар ажодларимизнинг ниҳоятда зукко, уста рассом ва маҳоратли хунарманд бўлганлигидан ёрқин далолат беради. 7 минг йиллик тарихни ўз бағрида асраб келаётган, тахминан 10 мингдан ортиқ ноёб қоятош битикларини бизнинг замонамизгача етказиб берган Сармишсой дараси қоятошдаги битиклар мазмуни, ифода этилган манзаралари билан ҳанузгача тадқиқотчи ва сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Суратларда қадимги ажодларимизнинг дунёқараши, тасаввурлари, ўзига хос маданияти муҳрланган бўлиб, уларни кўрган кишида ўша давр одамлари, меҳнат ва машғулоти, қандай буюм ва қуроллардан фойдаланганликлари, ҳайвонот олами тўғрисида муайян тасаввур пайдо бўлади.

Бундан ташқари, Сармишсойда тош давридан бошлаб то ўрта

асрларга қадар амал қилган макон ва манзилгоҳлар, қадимги мозорлар, суғориш тармоқларининг қолдиқлари, кўҳна қишлоқ харобалари сақланиб қолган. Кўп минг йиллик тектоник ҳаракатлар натижасида кварц ва гранит қатламлари сланец тошларни сиқиб қўйганлиги сабаб тасма тузилишидаги тоғбурмаланишлари пайдо бўлган. Уларнинг жозибдор кўринишлари киши диққатини тортмай қолмайди.

Сармишсойнинг одамларни ўзига оҳанграбодек тортадиган яна бир жиҳати бу — унинг мафтункор табиати. Дара, айниқса, кўклам келиши билан ажиб гўзаллик касб этади. Ушбу масканда олти икки оилага мансуб 650дан кўп турдаги ўсимликлар олами бўлиб, уларнинг 27 таси эндемикларни ташкил этади.

Мазкур дарадан 200дан ортиқ турли тарихий даврларга оид археологик ёдгорликлар топилган. Тош даври маконлари, устахоналар, тегиримонлар, шахталар, қадимги ва ўрта аср қишлоқлари ўрни, кўрган мозорлари, қурумлари, қоятош расмлари шулар жумласидандир.

Тарихчи олим ва археологларнинг фикрича, қоятош суратлари ҳаётдан ажралмаган ҳолда, яъни ўзида ўша давр инсонлари ҳаётининг бир қисмини акс эттирган. Бу суратларда асосан скиф-сак массагетларининг тасвирий санъатида ифодаланган қоплон, пантера, гепард, йўлбарс каби «куч тимсоли» ҳисобланган ҳайвонлар тасвирланган.

Шунингдек, кўпроқ дарёбўйи ва тўқайзорларда ҳаёт кечирадиган мушқсимонлар оиласига мансуб, ибтидоий овчилар учун қимматли бўлган ов қилиш жараёнлари ҳамда «ўйинчилар» гуруҳига оид турли услубдаги бош кийимлар кийган инсонлар қиёфаси, турли хил маросимлар моҳирона тас-



вирланган. Бундан ташқари «осмоний отлар» ифодаланган қоятош суратлари ҳар қандай кишини ўзига ром этмай қўймайди. Ушбу суратлар қадимда бу ерлар йилқиччилик ривожланган ҳудудлардан бири бўлганидан далолат беради.

Сармишсой қоятошларидаги тасвирлар — петроглифларнинг энг қадимийси, археологларнинг тадқиқотларига кўра, эрамыздан аввалги неолит ва бронза даврига тўғри келади. Ундан ҳам қадимийлари эса эрамыздан аввалги VI–IV минг йилликлар, яъни палеолит даврига мансуб бўлиб, улар инсонлар фаолиятининг босқичларини ифода этувчи ва юзлаб йиллар мобайнида тўплаган тажрибаси, овчилик ривожланиб боришидан тортиб чорвачиликка бўлган даврларни ўз ичига қамраб олади.

Археологик тадқиқотлар Сармишсой водийсида ҳаёт бундан бир неча минг йиллар олдин, яъни ўрта палеолит давридан бошланганига гувоҳлик бermoқда. Фикримизча, неолит даврида Қизилқумда яшаган калтаминор, маданиятига тааллуқли овчи ва балиқчи уруғларнинг баъзи бирлари Сармишсойга келиб жой-

лашганлар. Улар бу ерда ов қилиш билан бир қаторда аста-секин чорвачиликка асос солишган. Бу ҳақда Сармишсойдан топилган 4 мингдан ортиқ расм — петроглифлар гувоҳлик беради. Уларни археологлар ўн беш гуруҳга бўлиб ўрганган. Ҳар бир гуруҳда қанча расм-битик борлиги, уларнинг мазмуни, чўкичлаш йўли билан тасвирланган ушбу расмларнинг қайси даврда яратилганлиги ва расмлар ўша даврдаги кишиларнинг нималар билан машғул бўлганлиги юзасидан маълумот бериши бўйича таснифланган.

Мамлакатимизда табиий ва маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш, уларни келажак авлодга ўз ҳолича етказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Булар жумласига Сармишсой дарасидаги тарихий, табиий археологик маданий бойлигимизни ўзида омуҳамма этган бу осмон остидаги очик музейнинг давлат кўриқхонасига айлантирилишини киритиш мумкин. Чунки Сармишсой петроглифлари нафақат республика, балки жаҳон миқёсида ажодларимиздан қолган энг сара гавҳар — маданий ёдгорлик сифатида тан олингани қалбимизга

фахр-ифтихор бағишлайди. Хилма-хил тарихий воқеалардан ҳикоя қилувчи қоятошларга битилган петроглифларга бой дарани улкан қомусий тош китобга менгаш мумкин.

Узоқ ўтмишдаги бу тасвирлар тарих ҳақидаги билимларимизни янада тўлдиради, тасаввурларимизни бойитади ҳамда теран мушоҳада юритишга ундайди. Умумбашарий инсоният тарихини ўзида акс эттирган ушбу дара тарихчи ва археологларни тинимсиз изланишга, ўрганишга чорлайди. Зарафшон воҳасининг сирли ва синоатли эканлиги балки шундандир. Бу ҳудудни Зарафшон воҳасининг «Табиий асарлар галереяси» десак ҳам муволажа бўлмайди. Модомики шундай экан, бу ҳудудни кўз қорачимиздек асрашимиз, ноёб «тош асар»ларга инсонлар томонидан шикаст етказмаслик, аҳоли чорва молларини ҳудудга олиб кириб боқмаслиги, ҳудудни ифлослантирмастик, вилоятимизнинг хушманзара ва табиий ландшафтларини кўриш истагида бўлган сайёҳларни янада кўпроқ жалб этишимиз лозим. Ана шундай бетакроор ва ноёб маданий бойлиқни асл ҳолича авайлаб-асраш, сайёҳлик ва экотуризмни ривожлантириш, ўлкашуносликнинг нодир санъат асарларидан келажак авлодни баҳраманд этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш, шунингдек, маданий муассасалар масъуллари, тарихчи олимларимизнинг Сармишсойни тўлақонли тадқиқ этиши, унда яширин сир-синоатлардан халқимизни бохабар этиши — бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Мусаллам ИБРАГИМОВА,
Навоий вилоят
тарихи ва маданияти
давлат музейи директори

“ҚАРШИ ИККИЛАМЧИ ҚОРА МЕТАЛЛ” МЧЖ

Жамоаси

Сиз, азиз ва муҳтарам юртдошларимизни
Шарқона янги йил —

Маврӯз

билан қизгин қутлайди.

Барча эзгу ният ва мақсадларингиз амалга ошсин!

ТУРИЗМ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

жаҳон мамлакатлари тажрибаси ва имкониятлари мисолида

Сайёҳлик соҳаси дунё миқёсда жадал ривожланмоқда. Бу нафақат мамлакатлар молиявий барқарорлиги, балки халқлар ўртасидаги маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш, табиат ва инсон ўртасидаги муштаракликни сақлаш кафолатидир.

2017 йил маълумотларига кўра, ўша йили Францияга энг кўп, яъни 86,9 миллион сайёҳ келган. Рўйхатнинг иккинчи поғонасини 81,8 миллион сайёҳ билан Испания банд этди. АҚШ учинчи — 76,9 миллион. Кейинги ўринларни 60,7 миллионлик кўрсаткич билан Хитой, Италия (58,3 миллион), Мексика (39,3 миллион), Буюк Британия (37,7 миллион), Туркияга (37,6 миллион), Германия (37,5 миллион) ва Таиланд (35,4 миллион) эгаллади.

Дунё миқёсда ялпи ички маҳсулотнинг мамлакат иқтисодийётидаги улуши ҳам мунтазам ошиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич АҚШда ўртача 488, Хитойда 224, Германияда 130,8, Японияда 106,7, Буюк Британияда 103,7, Францияда 89,2, Мексикада 79,7, Италияда 76,3, Испанияда 68,8, Бразилияда эса 56,3 миллиард долларни ташкил этади. Шундай бўлса-да, ушбу давлатларнинг иқтисодийёти фақат туризм соҳасига қарам бўлиб қолмади.

Бироқ шундай мамлакатлар ҳам борки, туризм уларнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Масалан, Ўрта ер денгизиде жойлашган орол давлат — Мальтани олайлик. Ушбу мамлакат иқтисодийёти асосини туризм ташкил этади. Шунга мос равишда бу ерда келаётган туристлар оқими ҳам йил сайин ортсра ортадики, асло камаётгани йўқ. Қолаверса, мазкур орол давлат инглиз тилини ўрганишининг халқаро маркази ҳисобланади ва бутун дунёда келаётган талабалар оқимининг кўпчилиги ҳам шу билан изоҳланади.

Табиий ландшафтининг бетақдорлиги боис бу ўлка бадий ва ҳужжатли фильмларни тасвирга олиш учун қулай жой сифатида машҳур. Мальтада сайёҳлар учун энг сеvimли ва машҳур совға (сувенирлар) бозори Crafts Village жойлашган. У бир неча павильондан иборат бўлиб, бозорда маҳаллий аҳоли томонидан тайёр-

ланган турли-туман эсдалик ва совға буюмлар сотилади.

Маҳаллий аҳоли, айниқса, турли рангдаги шишалардан қўлбола буюмлар тайёрлашда ном қозонган. Савдо заллари ёнида жойлашган устахонада ҳунармандлар сайёҳларнинг таъбиға қараб бир зумда шишадан унчалик катта бўлмаган ваза ёки бирор бир жонивор шаклини ясаб беради. Ёки бўлмаса бу ердан машҳур мусаввирлар — Винсент Ван Гог, Густав Климт асарлари нусхаси туширилган буюмларни ҳам харид қилиш мумкин.


Иқтисодийётининг асосий қисмини туризм соҳасидан олинган даромад ташкил этадиган давлатлардан яна бири — Хорватия. Ушбу давлат Марказий Европанинг жанубида, қисман эса Болқон ярим оролининг ғарбида жойлашган. Хорватиядаги Адриатик соҳиллари ва кўп сонли ороллари халқаро туризмнинг машҳур йўналишларидан саналади.

Адриатик соҳиллари, айниқса, сув спортини хуш кўрувчилар орасида машҳур. Бу ерда сайёҳлик мавсуми асосан май ойининг охиридан то октябрга қадар давом этади.

Одатда, ҳудуднинг сайёҳлик салоҳияти унинг кўҳна меъморий обидаларга эгаллиги билан ҳам белгиланади. Бу жиҳатдан мамлакатнинг денгиздан йироқ ҳудудлари — Хорватия пойтахти Загреб, меъморий обидалар ансамблига бой бўлган Вараждин шаҳри ва Плитвице кўли миллий боғи туристлар учун энг сеvimли масканлардан саналади.

Хорватиядаги 7 объект ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатиға киритилган. Яна 15 таси ушбу рўйхатдан жой олиш арафасида турибди. Мамлакатда 8 миллий ва 11 табиий боғ ташкил этилган.

Асосий даромади туризм соҳасидан келадиган давлатлар қаторидан Таиланд ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу мамлакат Ҳиндхитой



ярим оролининг жануби-ғарбий, Малакка ярим оролининг шимолида жойлашган. Таиландда туризм истисодиётнинг асосий йўналиши саналган боис мамлакат ялпи ички маҳсулотининг асосий қисми туризм соҳасига тўғри келади.

Айни вақтда Таиландда 30га яқин маҳаллий туристик бошқарув офислари фаолият юритади. Дунё бўйлаб уларнинг 20дан зиёд ваколатхонаси мавжуд. Бугун Таиланд Жануби-шарқий Осиёнинг сайёҳлик марказларидан бириға айланган.

Осиёлик сайёҳлар биринчи навбатда Бангкокдаги тарихий-маданий ва табиий объектларға эътибор қаратса, Ғарб мамлакатларидан келганлар кўпроқ Таиланднинг орол ва соҳилбўйи пляжларини хуш кўради. Ушбу мамлакат туризмнинг ўзига хослиги шундаки, сайёҳлар кўпроқ шимолий кенгликда жойлашган ўз юртлиридан маълум бир муддат шу ерда “қишлаш” учун келади. Одатда, Таиланд ноябрь ойидан бошлаб апрелга қадар сайёҳларни ўзига оҳанграбодек тортади. Чунки бу вақтда шимолий кутбга яқин мамлакатларда ҳарорат кескин тушиб кетса-да, Таиландда офтоб чарақлаб, дам олиш учун мўътадил об-ҳаво шароити ҳукм сураётган бўлади.

Кариб денгизидеги орол давлат — Ямайка иқтисодийётининг асосий улуши (ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизи) хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Туризм соҳаси мунта-

зам ривожланиб бораётган Монтего-Бэй Ямайка шаҳарлари орасида катталиги бўйича иккинчи ўринда туради. Бу шаҳар аҳолиси гавжум халқаро аэропорти ва бекиёс дам олиш маркази билан ҳақли равишда фахрланади. Меҳмонхоналар, дам олиш жойларида кўп сонли рестороанлар фаолият юритади, шунинг учун ҳам бу ерда тунги ҳаёт анча қайноқ. Шаҳар атрофида оролдаги энг яхши голф майдони жойлашган. Ушбу орол давлатда сайёҳларға хизмат кўрсатишининг анъанавий усулидан фойдаланилади, яъни бу ерда илк бор “ҳаммаси ичида” тизими ишлаб чиқилган.

Асосан туризм орқали даромад топадиган мамлакатлар қаторида Исландия ҳам бор. Ҳар қандай ҳудуд ҳақидаги дастлабки таассурот оstonадан бошланганидек, мамлакат пойтахти Рейкьявик нафақат мегаполис шаҳар, балки тарихан бой ва маданияти ўзига хос минтақаннинг туризм дарвозаси саналади. Шаҳар тарихи ҳақида у ердаги очиқ осмон остида жойлашган “Arbæjarsafn” санъат музейидан билиб олиш мумкин.

Мамлакат жанубида барча турдаги вулкон мавжуд. Бу ерда мунтазам равишда ер юзасига гоҳида совуқ, гоҳида қайноқ ҳолатда минерал сув отилиб туради. Улар орасида энг сонийда 48 литр сув чиқади.

Вулконларнинг энг жозибадори ва қадимий кратери — Снефелсьюкуль.

Эндиликда уни муз қоплагани учун миллий боғга айлантирилган. Ландшафт муз давридаги шаршаралар таъсирида ўзига хослик касб этган.

Сон-саноксиз қушларға макон ҳисобланувчи Брейдафьордур бухтаси Европадаги энг кўп қуш яшайдиган масканлар орасида учинчи ўринни эгаллайди.

Эйя фьорди (Фьорд — қуруқликка чуқур кириб борган денгиз қўлтиги, одатда, унинг соҳили баланд қоялардан иборат бўлади) Исландиянинг шимолида жойлашган бўлиб, тоғ чанғиси ишқибозлари орасида анча машҳур. Қолаверса, бу ерда “оқ тун” ҳодисасини кузатиш ҳам (яъни қуёш бутунлай ботмай, яна қайта кўтарилди) ҳар қандай хорижлик учун янада мароқли.

Ўзбекистон — сайёҳлик соҳасида улкан имкониятларға эга мамлакат. Кейинги йилларида мамлакатимизда соҳа ривожиде халқаро тажрибадан кенг фойдаланишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туризм саноатини ривожлантириш, иқтисодийётнинг тез ўсишини таъминлашда унинг ролини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, дунё бозориде миллий туристик маҳсулот салоҳиятини юксалтиришға хизмат қилувчи барча шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, сайёҳлар учун экотуризм, гастронимк туризм, агротуризм, спорт туризми каби янги йўналишлар ўзлаштирилиб, анъанавий маданий-маърифий тадбирлар, фестивал ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Сайёҳлик фирма ва компанияларига имтиёз ва имкониятлар берилаетир, меҳмонхоналар, хостеллар қурилмоқда.

Соҳада бир қадар янги йўналиш — оилавий меҳмон уйлари тармоғини қўллаб-қувватлашға қаратилаётган эътибор туфайли туризмнинг мазкур йўналиши жадал ривожланмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, сайёҳлик учун сарфланган маблағ ўн баробардан кўп фойда беради. Шу боис, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз нутқларидан бирида туризм Ўзбекистон иқтисодийёти учун локомотив соҳа экани, меҳмонхона-

лар қуриш, замонавий инфратузилма барпо этиш зарурлигини, шунга яраша шароит кераклигини таъкидлаб, бу борада барча тўсиқлар бартаргаф этилаётганиға урғу берган эди.

Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Буни соҳа мутахассислари, дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

Хусусан, Жанубий Осиёнинг оммабоп сайёҳлик нашрларидан бири “TravelTalk” журналида берилган мақолада Марказий Осиёнинг юрағиде жойлашган Ўзбекистон нафақат қўҳна обидалар, маданий ва тарихий мерос объектлари, осори-этиқалари билан, балки бетақдор табиатининг гўзал манзаралари билан ҳам саёҳатчилар эътиборини ўзига тортишға алоҳида урғу берилган. Буюк Британиянинг “The Travel Magazine” журнали жорий йил 7 январда “2019 йил 1 февралдан британияликлар ва бошқа 44 мамлакат вакиллари учун Ўзбекистонға кириш визасиз бўлмоқда”, деб эъди, Германиянинг “Die Presse” газетаси шу йил 15 январь сониде “Ўзбекистон сайёҳлар учун қурашяпти”, Англиянинг яна бир журнали — “Lonely planet” бетақдор “Ўрта асрларға оид кўк гумбази шаҳарлар, ёйилма бозорлар, Буюк ипак йўли жозибаси, қадимий Самарқанддаги архитектура намуналарининг ўзига хослиғи” ҳақида алоҳида тўхталади. Тарих, санъат, адабиёт, музика, архитектура, бетақдор ландшафтлар, ҳудуднинг ёввойи табиати туристларни ўзига чорлаётганини қайд этади.

Хулоса ўрнида айтганда, минг марта эшитилган бир марта кўрган афзал. Саёҳатнинг моҳияти. — шу Ўзбекистонда эса соҳани тараққий эттириш учун барча шароит ва имконият мавжуд. Президентимиз ташаббуси билан бугун дунёда Ўзбекистон туризм бренди жадал бўй чўзаётгани соҳа истиқболи порлоқ эканидан далолат беради.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Рангин дунё

АФРИКА “ТОМИ”

ёҳуд Килиманжаро ғаройиботлари



Танзаниянинг табиати сўлим: ҳудудида диққатга сазовор жойлар кўп. Хусусан, дунёдаги энг узун чучук кўл — Танганика, энг қадимий одам қолдиқлари топилган Олдувай дараси, Нгоронгоро вулкон кратери айнан шу ерда жойлашган. Қолаверса, мазкур ўлканин фусункор табиати, ҳайвонот ва наботот олами бу ерға ташриф буюрувчи ҳар бир сайёҳни эътиборсиз қолдирмаслиғи аниқ.

1977 йилдан мазкур мамлакат ҳудудида Килиманжаро миллий хиёбони фаолият юритади. Хиёбон Танзаниянинг шимолий қисмида, шу ном билан аталувчи вилоятда, Маоши шаҳри яқинида жойлашган: майдони 1 минг 668 квадрат километр. Хиёбон ҳудудидаги энг диққатга сазовор жой, шубҳасиз, Килиманжаро тоғидир. Тоғнинг энг баланд чўққиси — Ухуру (5895 метр). Уни “Африка томи” деб ҳам аташади. Боиси у нафақат тоғнинг, балки бутун қитъанинг энг баланд нуқтаси. Тоғнинг “қорли қалпоқчаси” ни илиқ об-ҳаво пайтида, узоқ масофадан туриб ҳам кўриш мумкин. Ўзларини “масай” деб атайдиган маҳаллий халқ Килиманжарони “Олдоньо Ойбор”, яъни Оқ тоғ деб аташади. Бироқ Килиманжаро сўзи қандай маънони

англайтиш ҳақида аниқ маълумот йўқ. Бу борада бир қанча тахмин бор. Уларға кўра, бу сўз “чарақлайдиган тоғ”, “оқ тоғ”, “мўлжал”, “совуқ улашадиган худо уйи” деган маъноларни англатади.

Килиманжаро — сўнган вулкон. Гап шундаки, тоғ тахминан бундан икки миллион йил аввал ер қаъридан тўхтовсиз лава оқиши туфайли ҳосил бўлган. Ҳар сафар лава отилиши билан эски қатлам қотиб, унинг устида янгиси пайдо бўлган. Вақт ўтиши билан бу тоғ қатламини ҳосил қилган. Шу боис Килиманжаро турли даврларда вулконнинг фаоллашиши туфайли ҳосил бўлган уч чўққидан иборат. Улар орасида энг баланди — Кибо (5696 метр), унинг шарқий томонида — Мавензи (5149 метр), ғарбида — Шира (3962 метр) чўққилари ўрин олган. Бошқаларидан фарқи равишда Кибо чўққисини доимо қор қоплаб туради. Аслида бу уч чўққи сўнган вулконлардир.

Килиманжаро тоғи ҳақидаги илк эслатмалар миллодий II асра оид ёзма манбаларда учрайди. Мазкур ҳудуд Птолемей (II аср охири, III аср бошлари) тузган географик харидада ҳам акс эттирилган. 1848 йил 11 май — Килиманжаро расман кашф этилган сана сифатида эътироф этилади. Ўша йили немис руҳонийи Иоханес

Рембан экватор яқинида қорли чўққини тоғгани ҳақида маълум қилган эди. Бироқ илмий жамоатчилик мазкур “кашфиёт”ға у қадар эътибор қаратмади. Натияжада, Африкадаги мазкур чўққи анча вақт унутилди. XIX асрнинг 80-йиллар сўнггида немис географи Ганс Майер ва унинг австриялик ҳамроҳи Людвиг Пурчеллер тоғда илмий тадқиқотлар ўтказишға киришадилар. Унинг туризм салоҳиятини ҳисобға олган Танзания ҳукумати 1973 йилда мазкур ҳудудда миллий хиёбон ташкил этишға қарор қилди. Хиёбон 1977 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади.

Килиманжароға саккиз аҳоли пункти орқали чиқиш бориш мумкин. Улардан олтинчиси Танзанияда, иккитаси Кенияда жойлашган. Ҳозирги кунда Кения йўналиши фаолият кўрсатмайди. Агар Килиманжародан пастға қаралса, тоғ ёқасида тасма мисол чўзилган етти сўқмоқ кафтдек намоён бўлади. Улардан бештаси фақат тоққа кўтарилиб боришға мўлжалланган, ундан пастға тушиш тақкиланган. Марангу ёки “Кока-кола йўли” деб номланган сўқмоқ орқали тоғға чиқиш-тушиш мумкин. Еттинчи сўқмоқ — Мвека фақат тушишға мўлжалланган. Юқорида Кибо чўққисидан тўрт километр узоқликда барча йўлини

бирлаштирадиган айланма сўқмоқ ўтган. У “Кибо халқаси” дейилади.

Килиманжаро тоғининг чўққисига денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги тепаликдан чиқиб борилади. Бунинг учун тўрт километрдан ортиқ йўл босиш керак. Айтишларича, кўтарилиш қанча узоқ давом этса, баландликдан кўрқиб касаллиги аломатлари келиб чиқиши шу даражада камаяди. Статистик маълумотларға қараганда, сайёҳларнинг 30–40 фоизигина чўққини забт эта олар экан. Бу, аввало, баландликка мослаша олмаслик билан изоҳланади. Шу боис тоққа чиқиш учун 4–6 кун, тушиш учун 1–2 кун йўл босиш тавсия этилади.

Килиманжаро тоғи чўққисини забт этиш — ҳар йили мазкур хиёбонға ташриф буюрувчи 10 мингдан зиёд сайёҳнинг энг катта орзуси. Декабрь билан февраль ойлари сайёҳат учун энг қулай пайт. Бу ерға июлдан бошлаб то сентябрга қадар келса ҳам бўлади. Бу пайтда ҳаво салқинроқ бўлишға қарамай, ёғингарчилик қутилмайди.

Мазкур хиёбон 1987 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатиға киритилган.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ,
журналист

“ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИ ИЛМ ВА МАЪРИФАТДАДИР”

< Давоми. Бошлангиш 1-бетда.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 июнда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш юзасидан бир қанча вазифалар белгиланган. Сиз фаолият юритаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?



лар доирасида бажариладиган амалий ва фундаментал грантларга, шу йилдан бошлаб эса Халқаро ривожлантириш ассоциацияси иштирокидаги Академик инновациялар фонднинг “Олий таълим муассасаларида педагогика ва психология фанини ўқитиш амалиёти ва онгоси соҳасига доир таълим бериш жараёнини такомиллаштириш” номли лойиҳага раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Бу ҳаракатларнинг туб замирида педагогика соҳасига инновацияни жорий этишдек эзгу мақсад мўжжасам. Демакки, мақсад ва вазифа, хоҳиш ва истак, меҳнат ва рағбат каби жараёнлар уйғунлигига эриша олсак, уйлайманки, янги ихтиро ва кашфиётларга замин яратган бўламыз.

— Иш фаолиятингиз давоминда бир қанча ривожланган мамлакатларнинг таълим жараёни билан танишишга муваффақ бўлгансиз. Айтинг-чи, Ўзбекистон таълим тизими билан жаҳон етакчи давлатларнинг маъруза ҳақида ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нималардан иборат?

— Ҳар қандай жараённинг ички ва ташқи таъсир кўрсатувчи омиллари ва шарт-шароитлари бўлгани каби таълим тизимини ташкил этишда ҳам маҳаллий ва хорижий тажрибаларнинг уйғунлигига эришиш жуда муҳим. Корейда таълимнинг ишлаб чиқариш ва амалиёт билан уйғунлигида ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Таълим олувчининг ҳам, таълим бериувчининг ҳам нуфузи меҳнат бозори талаблари асосида аниқланади. Мутахассисларни тайёрлашда регионал хусусиятлар ва иқтисодиётнинг реал сектори эҳтиёжлари асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Сўнгги икки-уч йилда республикамиз олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича барча ҳуқуқий-меърий асослар шакллантирилди. Ишлаб чиқилган мавжуд меърий асослар замон талабларига мос, ушбу соҳадаги хорижий илгор тажрибалар атрофида талқин қилинган. Албатта, маъруза ислохотларини амалга ошириш жараёнида бир қатор кутилмаган қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлишини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Лекин уларни белгиланган вазифаларнинг ижро механизми билан янада такомиллаштириш, масъул ишчи-чиноларнинг шахсий масъулиятини ошириш орқали ижобий ҳал қилиш мумкин.

Мавриди келганда таъкидлаш жоиз, барчамизга маълум бир ҳақиқат бор: ҳамма нарсанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти таққослашда бўлиши. Шундай экан, бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги саъй-ҳаракатларимиз, айниқса, ёшларимизнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги излашуларини, миллий қадриятлар билан бирга умуминсоний қадриятларини пухта ўзлаштирилгани жаҳоннинг манаман деган қатор давлатларида ҳам мутахассислар, талабаларнинг ҳавасини келтираётгани ва ҳатто ўрнат қўйиб олиш ҳам бор гап. Зотан, илму маърифатга интилиб яшаш халқимизнинг табиғий эҳтиёжлари ҳисобланади. Оққан дарё — оқверавди. Шундай экан, илм-фан ва инновациянинг ҳаётимиздаги аҳамияти ошса, турмушимиз обод ва фаровон, мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлади.

— Мактабгача таълим — халқ таълими — олий таълим. Таълимнинг барча босқичлари узвийлиги миллат келажиги ва тақдирини белгилайди, десак муболағ бўлмайди. Таълим ва тарбия жараёнида ота-она ҳамда маҳалла билан ҳамкорлик олий таълим тизимида мактабгача ёки халқ таълимидаги нисбатан биров сустроқ, назаримизда. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бўлиши мумкин. Аммо бу жараёни янада самаралироқ йўлга қўйиш учун янги усуллари топилган ва жорий этиш вақти келмадимикин?

— Шахсан мен бу масалага биров бошқачароқ ёндашган бўлар эдим. Тўғри, мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги жуда муҳим. Лекин олий таълим соҳасида ушбу ҳамкорлик таълим — фан — ишлаб чиқариш интеграцияси сифатида давом этиши лозим. Чунки, олий таълимни ўқитган талаба шх сингари мавзуларга ўзига хос тушулган, яъни дунёқараш мавжуд. Бу даврда ёшлар пухта билим олиши, танлаган соҳасининг етуқ мутахассиси бўлишдан, аввало, унинг ўзи, ота-онаси, устози ва ундан кейин бутун жаҳият манфаатдор эканини аллаҳқон тушуниб етган бўлади. Ота-она ва маҳалла билан ҳамкорлик асосан тарбия жараёнида амалга оширилади. Олий таълимда эса касбий билимларни мустаҳкам эгаллаш вазифини етказиш ўринда. Хусусан, бунда талабалар шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, таълим ва фан интеграцияси асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашга шариоит яратиш, истеъодли ва иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, талабалар ўқув-илмий фаолиятида ижодий фикрлаш тажрибаларини шакллантириш муҳим

аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, ташаббускор ва ижодий салоҳияти юксак ёшларни аниқлаш имконини беради. Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш шариоитида илмий ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, илмий-педагог ва юқори малакали илмий ходимлардан самарали фойдаланиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялар талабларига жавоб берадиган янги авлод ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари тайёрлашни мувофиқлаштириш лозим. Келишилган дастур асосида илмий-тадқиқот муассасаларида талабалар ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, талаба ва ўқитувчилар учун ўқув-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, талабаларни моддий рағбатлантириш механизми шакллантириш, олий таълим муассасаси лаборатория ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди.

— Сиз таълим олган пайтдаги талабалар билан ҳозирги талабалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонлари нималарда кўпроқ намоён бўлади?

— Талабаник, энг аввало, чуқур билим олиш ва мулоқот орқали инсоний ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Талабаник йилларимни эсласам, бугунги имкониятлар билан бизнинг давримиздаги шариоитлар ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини сезаман. Ўзим мансуб бўлган авлоднинг талабалар даври ўтган асрнинг 90-йиллар аввалига тўғри келган. Бу даврда фанга оид таълим захиралари кам эди. Хозирда талабалар учун таълим захиралари ниҳоятда мўл. Айни пайтда маълумотларнинг ҳаддан ташқари қўплиги талабаларнинг ахборот қидиришга бўлган қизиқишини су-сайтиргандай, назаримда. Биз таҳсил олган даврга нисбатан ҳозирги талабалар чет тилларини катта муваффақиёт билан ўзлаштириб олмоқда. Хорижий тажрибаларни, аниқ ва табиий фанларни ўрганиш бугунги кун талабаларига хос хусусиятлардан ҳисобланади. Бугунги талабалар илгор фикрлайдиган, глобал тармоқда жаҳондаги илм-фан, технологиялар, таълимга оид янгиликлардан хабардор, хорижий тилларни пухта эгаллаган ёшлар...

— XXI аср ахборот асри, дейилмоқда. Бугунги кун боласининг ўй-ҳаёли кўпроқ техника, виртуал олам билан чеараланиб қўлаётгандай. Бунинг ижобий ва салбий томонларидан кўз уммаган ҳолда, тажрибали олим сифатида фикрингизни билмоқчи эдик: боладаги “ўргичмак тўри”га тобеллик натижасида келиб чиқадиган психологик ўзгаришларга йўл қўймаслик учун қандайдир педагогик технологияларни қўллаш керакмикин?

— Бугун бугун дунё бошидан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Унинг ижобий жиҳатлари — интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қўлайликлар вужудга келаётгани, замонавий илм-фан ютуқлари тезлик билан тарқалиши эътироф этилаётган. Лекин, айрим носоғлом кучлар ундан ўзларининг манфур мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётгани ҳам сир эмас. Тўғри, ёшларимизнинг онгига захарлаш, уларни бузғунчи ғоялар таъсирини туширишда Интернетнинг ҳиссаси катта. Бир нарсаи унутмаслик керак: кимки “оммавий маданият” ортидан эргашса, ўзининг ижодий қобилиятини даимийроқ қўллашда ва тайёр маданий маҳсулотлар “истеъмолчи-си”га айланиб қолади. Ёшларнинг “руҳий туқунликка” тушиб қолишида эса уларнинг дунёқараш торлиги, ҳамма нарсага бирданга (бойлик, шон-шухрат, зўрма-зўраки пиар ва ҳ.к.) эга бўлишга интилиш, умуман олганда, максимализм каби руҳий-психологик омиллар сабаб бўлади. Ёшларда ўз-ўзини англаш, ғовий чидамликлик, таҳлил ва ҳулоса чиқариш маданиятини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайман.



Тўғри, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бундан бир неча йиллар аввал барчамизни ҳайратлантирган кашфиётлар бугун кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган оддий воситага айланган. Бироқ маънавий тарбия ёшларнинг истиқбол ва тақдири, миллий ўзлиги, муқаддас қадриятлар билан узвий боғлиқ. Талабаларнинг бадиий адабиётга қизиқишларини кучайтириш ҳисобига уларда янгича фикрлаш, танқидий таҳлил қила олиш қобилиятини ошириш мумкин. Бу фарзандларимизда илмга, инновацияга фаолият олиб боришда ёшлардан қизиқиш уйғонишига сабаб бўлади. Ушбу мақсадларга эришиш учун янги педагогик технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш жуда зарур.

Умуман олганда, дунёда глобаллашув жараёни кучайиб бораётган ҳозирги даврда илм-фан ва инновацияларнинг аҳамияти янада ортомоқда. Хусусан, университетимизда фаолият кўрсатаётган 40 нафар фан доктори ва 200дан зиёд фан номзоди ўзларининг ўқув дастурларида, маъруза матнларида яратилаётган янги технологияларни сингдириб бормоқдалар. 2018 йилда университет профессор-ўқитувчилари томонидан 60дан ортиқ дарсликлар яратилди ва амалиётда фойдаланилмоқда.

— Хоҳлаймизми йўқми, зиммасида қандай масъулиятли вазифа юкланган бўлмасин аёл, аввало, она, у келажак авлод яратувчиси. Чидамлик, сабр-қаноат ҳам аёл табиғига хос...

— Саволингизни тушундим. Аёл ҳақида ҳар бир миллатнинг тарихий аҳамиятга эга манбалари, ривоятлар, достонлар, адабий-бадиий асарлари бисёр. Уларнинг битилиши, тили, услуби ўзгача. Аммо унинг туб замирида фақатгина бир мақсад — аёлни улуғлаш, мўътбарлигини намоён этишдек эзгу амал мўжжасам. Соҳибқирон Амир Темурнинг “Аёлларга имкон қадар олий муомалада бўлишга ҳаракат қилдим” дея таъкидлагани аёлларга эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш — бизга ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос эканидан далолат.

Оиламизда ягона қиз фарзанд бўлганман. Ота-онам ҳар доим қиз боланинг ифтихори, назокати, ораста-сариишалиги тўғрисида эртак ва ҳикоятларни гапириб, ушбу эртак қаҳрамонларига ўхшаб воёга етишимни орзу қилганлар. Отанин “аёл кишини улуғлайдиган энг азиз неъмат — илм” деб ўқитириши менга катта ҳаёт сабоги бўлган. Мактабда, олийгоҳда, аспирантура ёки докторантурада тахсил олганимда ҳам “оиланин эркатой қизи” бўлиш билан бирга “жамоанин илм захматкаши” деган сифатларни мўжжасамлаштиришга тўғри келган. Бир ҳақиқат бор: бизни гўдаклизмиздаёқ илму тафаккур неъматидан баҳраманд этган илқ муаллимимиз — онамиздир. Она — қадриятлар мураббийси. Шунинг учун ҳам аёл кишининг маърифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қолаверса, аёллик — бу масъулият дегани. Айниқса, бу вазифа олимлик рутбаси билан ҳамоҳанг бўлса, масъулият янада ортади. Олимнинг ҳаёти фақат илмдан иборат эмас. Унинг оиласи, кундалик ташвишлари бор. Шу маънода турмуш ўртоғини нафақат умр йўлдошим, балки олим сифатида илм йўлидаги ҳаққорим, деб биламан. Ҳар қандай яратилаётган ғоя, тайёрланаётган мақола, китоб шу жуфтлик доирасида мўҳокама этилади. Бугун фарзандларим ҳам докторант сифатида жуфтлик сафини кенгайтириб, илмий янгиликларни оила даврасида баҳс-мунозара қиламиз. Энг асосийси, оилада ишчанлик, яратувчанлик, садоқат ва ишонч мўлати шаклланишга аёл киши ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

— Болалик чоғларингизни хотирлаганингизда энг аввал ҳаёлингиздан нималар кечади?

— Эрталаб турганимда юз-қўлимни ювиб қўяётиб, онам “қизим, сен танганин ягона раҳматисан, аввал у кишига салом бериб, кейин дарс тайёрлаганингни айтиб қўнглини хотиржам қил” деб ўқитарди. Болалигим зиёли оилада кечган. Отанин шогирдлари билан табиат ҳодисалари, жаҳият ва ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги суҳбатларини эсламан. Хонадонимизга келган ҳар бир меҳмон менга дунё халқлари эртаклари, жажжи ҳикоятлари тўлаими, шахмат ёки қўғирчоқлар совға қилар эди. Шу тариқа бадиий адабиётга ва илмга илқ меҳр болалигимдан бошланган.

4-синфда бўлса керак, устозимиз ҳаммамизга “Мен учун энг қадрилик олам” мавзусида расм чизиб келишни вазифа сифатида берди. Туйқус ҳаёлимга китоб ушлаб турган онамнинг қаймоги келди. Шундай қилдим ҳам, чизган расмимга қараб, онамнинг нурли чеҳраси ва маъноли сўзлари мен учун энг улук макон эканини мароқ билан гапирганимда, синфдошларимнинг менга ҳавас билан боқгани ҳануз эсимда. Лекин ўйил бола синфдошларимга ҳам ўзимни ҳафа қилишларимга имкон бермас эдим. Хуллас, ота-онамнинг унутилмас ўғитлари бизга ҳаётда доимий ҳамроҳ бўлмоқда.

— Илм йўлига илқ қадам қўйган ёш изланувчиларга нималари маслаҳат берад бўлардингиз...

— Тараққиёт сари дадил оқимлайган Ўзбекистон учун ҳар томонлама мукамал, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор ва фаол кадрлар керак. Шундай бўлган, ҳар бир ёш изланувчи аввало, “менин бунга ҳаётда бош мақсадим нима?” деган саволга жавоб излаши лозим. Ёшларда мақсад аниқ бўлиши уларнинг кейинги ҳаёт йўлини белгилаб беради. Тўғри, юртимизда илмий излашулар олиб бораётган ёшлар жуда кўп. Ҳамма гап ана шу ёшларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашда. Агар биз юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, қандайдир истеъод учқунини кўрганда, ким бўлсан ҳам уни ўз вақтида пайқаб, эътиборли бўлиб, унга йўл очиб берсақ, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсақ, натижаси ҳам тез орада мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида ўз салоҳияти, шижоати ва имкониятлари билан барқарор тараққиётга ҳисса қўша оладиган малакали кадрлар мисолида намоён бўлиши, шубҳасиз.

“Milliy tiklanish” мухбири Дилфуза МАҲКАМОВА суҳбатлашди

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБЕКОВ

ТАХРИРИЙ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-89-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Мазнавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг ёричини ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табақ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

“ШАРҚ” нашрийт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанин чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Магбуот ва ахборот келишилиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 426, Адади — 3007. Газетанин баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ

Навбатчи: Дилфуза МАҲКАМОВА

Саҳифаловчи: Жапониддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,

mtiklanish@mail.ru

Босишга топириш вақти — 21.30.

Топирилди — 01.30. Уза якуни — 01.00

ISSN 2010-7714 4772010771003 1 2 3 4 5 6